



## GREEN ENERGY IN UZBEKISTAN: A NEW STAGE OF SUSTAINABLE DEVELOPMENT IN THE CONTEXT OF GLOBALIZATION

**Paziljanov Rustambek Islambek ogli**

Chief Specialist of the Cadastre and Land Relations Department,  
Ministry of Energy of the Republic of Uzbekistan,  
Listener at the School of Business and Entrepreneurship under the  
Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan

**Ergashev Husan Qahramon ogli**

Chief Specialist of the Public-Private Partnership Development  
Department, Ministry of Energy of the Republic of Uzbekistan  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.18403404>

### ARTICLE INFO

Received: 20<sup>th</sup> January 2026

Accepted: 27<sup>th</sup> January 2026

Online: 28<sup>th</sup> January 2026

### KEYWORDS

Renewable energy sources,  
green energy, energy  
reforms, foreign investment,  
public-private partnership,  
carbon emissions, climate  
change, sustainable  
development, energy storage  
systems, Paris Agreement.

### ABSTRACT

*This article analyzes the development of renewable energy sources in the context of globalization, considering the growing demand for energy resources in the global economy, climate change, and the need to reduce carbon emissions. The paper highlights recent reforms implemented in the energy sector of the Republic of Uzbekistan, the realization of green energy projects, the attraction of foreign investment, and the introduction of public-private partnership mechanisms. The economic and environmental benefits of increasing electricity generation through the development of solar, wind, hydropower, and energy storage systems, reducing natural gas consumption, and minimizing negative environmental impacts are substantiated. In addition, within the framework of the Paris Agreement, Uzbekistan's international climate commitments, as well as practical measures for the implementation of carbon markets and green certificate systems, are analyzed. The research findings reveal the strategic importance of green energy in ensuring sustainable economic growth in the country.*

## «ЗЕЛЁНАЯ» ЭНЕРГЕТИКА В УЗБЕКИСТАНЕ: НОВЫЙ ЭТАП УСТОЙЧИВОГО РАЗВИТИЯ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ

**Пазилжанов Рустамбек Исламбек угли**

Главный специалист отдела кадастра и земельных отношений Министерства  
энергетики Республики Узбекистан, слушатель Школы бизнеса и  
предпринимательства при Кабинете Министров Республики Узбекистан

**Эргашев Хусан Кахрамон угли**

Главный специалист Управления по развитию государственно-частного  
партнёрства Министерства энергетики Республики Узбекистан

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18403404>



**ARTICLE INFO**

Received: 20<sup>th</sup> January 2026

Accepted: 27<sup>th</sup> January 2026

Online: 28<sup>th</sup> January 2026

**KEYWORDS**

Возобновляемые  
источники энергии,  
зелёная энергетика,  
энергетические реформы,  
иностранные инвестиции,  
государственно-частное  
партнёрство, углеродные  
выбросы, изменение  
климата, устойчивое  
развитие, системы  
накопления энергии,  
Парижское соглашение.

**ABSTRACT**

*В статье анализируются вопросы развития возобновляемых источников энергии в условиях глобализации с учётом роста спроса на энергетические ресурсы в мировой экономике, изменения климата и необходимости сокращения углеродных выбросов. Широко освещены проводимые в последние годы в Республике Узбекистан реформы в энергетической сфере, реализация проектов «зелёной» энергетики, привлечение иностранных инвестиций, а также внедрение механизмов государственно-частного партнёрства. Обоснованы экономические и экологические эффекты увеличения объёмов производства электроэнергии за счёт развития солнечной, ветровой, гидроэнергетики и систем накопления энергии, сокращения потребления природного газа и снижения негативного воздействия на окружающую среду. Кроме того, в рамках Парижского соглашения проанализированы международные климатические обязательства Узбекистана, а также практические меры по внедрению углеродных рынков и системы «зелёных» сертификатов. Результаты исследования раскрывают стратегическое значение «зелёной» энергетики в обеспечении устойчивого экономического роста страны.*

**ЎЗБЕКИСТОНДА “ЯШИЛ” ЭНЕРГЕТИКА: ГЛОБАЛЛАШУВ  
ШАРОИТИДА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ**

**Пазилжанов Рустамбек Исломбек ўғли**

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги Кадастр ва ер муносабатлари  
бўлими бош мутахассиси,

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик мактаби тингловчиси  
**Эргашев Хусан Қахрамон ўғли**

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Давлат хусусий шерикликни  
ривожлантириш бошқармаси бош мутахассиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18403404>

**ARTICLE INFO**

Received: 20<sup>th</sup> January 2026

Accepted: 27<sup>th</sup> January 2026

Online: 28<sup>th</sup> January 2026

**KEYWORDS**

**ABSTRACT**

*Мазкур мақолада глобаллашув шароитида жаҳон иқтисодиётида энергия ресурсларига бўлган талабнинг ошиб бориши, иқлим ўзгариши ва углерод*



Қайта тикланувчи энергия манбалари, яшил энергетика, энергетика ислохотлари, хорижий инвестициялар, хусусий шериклик, углерод чиқиндилари, иқлим ўзгариши, барқарор ривожланиш, энергия сақлаш тизимлари, Париж битими.

чиқиндиларини қисқартириш зарурати нуқтаи назаридан қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш масалалари таҳлил қилинган. Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда энергетика соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, “яшил” энергетика лойиҳалари, хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳамда хусусий шериклик механизмларининг жорий этилиши кенг ёритилган. Қуёш, шамол, гидро ва энергия сақлаш тизимларини ривожлантириш орқали электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, табиий газ сарфини қисқартириш ва атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтиришнинг иқтисодий ва экологик самаралари асослаб берилган. Шунингдек, Париж битими доирасида Ўзбекистоннинг халқаро иқлим мажбуриятлари, углерод бозорлари ва “яшил” сертификатлар тизимини жорий этиш бўйича амалий чора-тадбирлар таҳлил қилинган. Мақола натижалари мамлакатда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда “яшил” энергетиканинг стратегик аҳамиятини очиб беради.

### Кириш

Глобаллашув жараёнлари жаҳон иқтисодиётида энергия ресурсларига бўлган талабнинг ошиши, технологиялар трансфери ва капитал ҳаракатининг эркинлашуви билан характерланади. Шу билан бирга, иқлим ўзгариши, атроф-муҳит ифлосланиши ва углерод чиқиндиларини қисқартириш зарурати қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришни стратегик вазифага айлантирди.

Ўзбекистон Республикаси сўнгги йилларда энергетика соҳасида туб ислохотларни амалга ошириб, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш ва хорижий инвестицияларни жалб қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу жараёнда яшил энергия занжирини самарали ташкил қилиш ва бошқариш масаласи муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунга келиб мамлакатимиз дунёнинг йирик яшил энергетика соҳасида фаолият олиб боровчи “ACWA Power” (Саудия Арабистони), “Aksa Enerji”, “Cengiz Enerji” (Туркия), “Masdar” (БАА), “China Energy”, “Datang”, “Sinoma”, “Poly”, “CNTIC”, “Eaglerise” (Хитой), “EDF”, “Voltalia”, “TotalEnergies” (Франция), “Siemens Energy” (Германия) ва “Nebras Power” (Қатар) компаниялари билан ҳамкорликда йирик лойиҳаларни амалга оширмоқда.



Хусусан, Қорақалпоғистон, Бухоро, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида умумий қиймати **3,3 миллиард** долларга тенг жами **3 минг 500 мегаватт**ли 16 та қуёш, шамол, иссиқлик ва гидро электростанциялари шулар жумласидан.

Ҳозирда амалга оширилаётган лойиҳалар ишга тушиши натижасида келгуси йилда **“яшил”** энергия ишлаб чиқариш ҳажми **23 миллиард килловатт соатга** етиши прогноз қилинмоқда. Ушбу қувватлар Ўзбекистон аҳолисининг йиллик электр энергия истеъмоли тўлиқ қопланишига хизмат қилади. Энг муҳими, тоза энергия ҳисобига табиий газ сарфи салкам **7 миллиард куб метр**га камаяди. Атмосферага **11 миллион тонна** зарарли моддалар чиқишининг олди олинади.

Фойдаланишга топширилаётган лойиҳалар орасида 1 минг 245 мегаваттли 10 та энергия сақлаш тизими ҳам бор. Бу энергия энг кўп истеъмол қилинадиган тиғиз вақтларда қўшимча **1,5 миллиард килловатт соат** электр энергиясини тармоққа узатиш имконини беради.

Қўшимча равишда ишга туширилаётган 11 та йирик подстанция ва 420 километр юқори кучланишли тармоқлар тизимнинг барқарор ишлашига хизмат қилади. Шнингдек, янги ташкил этилган йилига **15 мингта трансформатор** ишлаб чиқарадиган “Angren Energo” ҳамда **155 та гидро-агрегат** тайёрлаб берадиган “Uzhydropower” корхоналари иқтисодиётимизга муҳим ҳисса қўшади.

Сўнгги йилларда энергетика тизимига **35 миллиард доллар** хорижий инвестиция жалб қилиниб, **9 минг мегаватт** янги қувватлар ишга туширилди. Натижада электр ишлаб чиқариш ҳажми 2017 йилдаги 60 миллиард килловатт-соатдан жорий йилда **85 миллиард килловатт соатга** етди.

Эътиборли жиҳати, салкам 5 минг мегаваттли қуёш ва шамол, 400 мегаваттли гидро электр станциялари ишга туширилди. Жами генерация қувватларида **“яшил”** энергиянинг улуши бу йил **30 фоизга** етказилади.

Бундан ташқари, хусусий сектор, аҳоли хонадонлари ва ижтимоий соҳа объектларида **2 минг мегаватт**ли кичик қуёш панеллари ўрнатилди. Уларда шу йилнинг ўзида қўшимча равишда **2 миллиард килловатт соатга яқин** муқобил энергия ишлаб чиқарилди. Шунингдек, мамлакатимиз бўйлаб 69 минг километр электр тармоқлари, 14 мингта трансформатор ва юқори кучланишли подстанциялар янгиланди.

Соҳадаги бундай ўзгаришлар маҳаллий корхоналар ривожига ҳам катта туртки бермоқда. Ушбу корхоналар томонидан янги қурилаётган электр станциялари ва тармоқларига йил бошидан буён 700 миллион долларлик қурилиш материаллари, металл конструкциялар, кабель ўтказгичлар, электр қурилмалари етказиб берилди, лойиҳалаш-инжиниринг ва қурилиш хизматлари кўрсатилди.

Мисол учун, Норин каскад гидро электр станциясининг 38 мегаваттли илк гидро электр станцияси тўлиқ маҳаллий маҳсулотлардан фойдаланган ҳолда ишга туширилди.

Ўзбекистонда келгуси 5 йилда 150 миллиард доллардан зиёд хорижий инвестициялар ҳисобидан минглаб саноат ва инфратузилма объектларини ишга туширилиб, юқори даромадли иш ўринлари яратилиши режалаштирилган. IT, сунъий интеллект ва **“буюмлар интернет**и” каби янги йўналишлардаги



компанияларга жозибадор муҳит яратиш учун замонавий суперкомпьютер кластери ва дата-марказлар сонини кўпайтириш назарда тутилган.

Бунинг учун айни пайтда Саудия Арабистонининг **“DataVolt”** компанияси 3 миллиард долларлик инвестиция ҳисобига 500 мегаваттли **дата-марказ** қуриш бўйича лойиҳани амалга ошириш бошланган.

Ҳозирги кунда электр энергиясига ошиб бораётган эҳтиёжни қоплаш учун 2030 йилгача қўшимча 17 минг мегаваттдан ортиқ қайта тикланувчи энергия қувватлари ишга туширилиши режалаштирилган. Натижада **“яшил”** энергиянинг жами генерациядаги улуши **54 фоизга** етказиши маълум қилинади.

Жорий йилдан хусусий шериклик тамойиллари нафақат электр энергиясини ишлаб чиқариш, балки уни истеъмолчиларга етказиб беришда ҳам қўлланмоқда. Хусусан, Туркиянинг **“Akse Elektrik”** компанияси билан Самарқанд ҳудудий электр тармоқларини хусусий бошқарувга бериш бўйича келишувга эришилган.

Ушбу компания лойиҳа доирасида тармоқни операцион бошқарувга олиб, инвестиция киритади, тармоқларни модернизация қилади, йўқотишларни босқичма-босқич 2 баробарга камайтиради. Натижада ҳар йили ўртача 20 миллион доллар тежалади.

Шундай тажриба асосида келгуси йилда Жиззах ва Сирдарё, 2027 йилда Наманган ва Тошкент вилоятлари электр тармоқлари бошқаруви ҳам инвесторларга таклиф этилиши кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, аҳолининг муқобил энергия манбаларидан фойдаланишини фаол қўллаб-қувватлаш мақсадида 2026 йилда 300 та маҳалла ҳудудида аҳоли билан кооперация орқали 107 мегаваттли қуёш станциялари ўрнатилиши режалаштирилмоқда. Бу билан 30 мингта аҳолини **“яшил”** энергия билан таъминлаш имкони яратилади.

Мамалакатимиз тадбиркорлари бу йил 40 мегаваттли кичик ва микро ГЭСлар қурди. Натижада 120 миллион килловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилди ва келгуси йилда яна 65 мегаваттли кичик ва микро ГЭСлар барпо этилиши режалаштирилмоқда. Ушбу лойиҳалар ҳисобига 80 мингта хонадонда электр таъминоти яхшиланиши кутилмоқда.

Яқинда Бразилияда ўтган **СОР-30** иқлим конференциясида мамлакатимиз ўз ташаббуси билан Париж битими доирасида муҳим мажбуриятни зиммасига олди: Ўзбекистонда 2035 йилгача зарарли газлар эмиссияси **50 фоизга қисқартирилиши** мақсад қилинди.

Бу борада Жаҳон банки билан дунёда илк инновацион **“CRAFT”** лойиҳаси ишга туширилди. Унинг доирасида Ўзбекистон томонидан камайтирилган 23 миллион тонна иссиқхона гази ҳисобга олинди. Халқаро даражада углерод бирликлари савдоси йўлга қўйилди.

Шу йилнинг ўзида 17 та йирик саноат корхоналарида **“яшил”** энергия бўйича халқаро сертификатлар тизимига ўтди. Келгуси икки йилда бундай корхоналар сони 100 тага етказилиши режа қилинмоқда.



**References:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 мартдаги “Кичик ва ўрта бизнеснинг иқтисодиётдаги ўрнини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-50 фармони <https://lex.uz/docs/744473>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 26 декабрдаги Олий маэлисга мурожаатномаси
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 5 декабрдаги “Энергетика соҳасида янги лойиҳаларни ишга тушириш ҳамда қурилишини бошлашга бағишланган тадбир”даги нутқи.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 11 сентябрдаги ПФ-19-сон фармони